



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

1991 йил 14 сентябрь • шанба
№ 179 (10.175). Баҳоси 10 тийин.

РАҒБАТ РУҲЛАНТИРДИ

БУКА (телефон орқали олинди). Ноҳия ва хўжалик раҳбарлари, фаоллар бу йилги қийин шароитда энг асосий диққат-эътиборни инсон омилига қаратишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда деҳқоннинг, қишлоқ аҳлининг тирикчилиги қандай ўтяти? Рўзғори бутми, қийналмаптими, хотири жамми?..

Бу соҳада ўтган вақт мобайнида бир мунча хайрли ишлар амалга оширилди. Шу тўғрисида ҳам хўжаликларда дала ишлари анча жадал борди. Деҳқонлар об-ҳаво шароити билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни мардонавор енгиб далаларда 52 минг тонналик хирмонни бунёд этиш имкониятини берадиган ҳосил етиштирдилар. Пахта танилаб, саралаб териш бошланди. Бу иш кун сайин кучайиб бормоқда. Айни кунларда пахтазорларда 3 мингдан ортиқ теримчи меҳнат қилаётир. Ҳар кун 125-130 тонна пахта терилмоқда.

Дастлабки ҳосилдан ташкил этилган қизил карвон танталари байрамга айланди. Шу кун қабул пунктга 150 тонна пахта топширилди. Илҳич номли, Мичурин номли, «Ленинизм» жамоа хўжаликлари, «Бука» совхоз деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар.


Далада ишлаётганларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 40 тийиндан тў-

ланади. Машинада терилган пахтанинг бир тоннаси учун эса 25 сўм берилади.

— Ҳали асосий кураш олдиди, — дейди халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси Қодир Элчибоев. — Бу йил биз етиштирилган пахтанинг 43 минг тоннасини машинада терамиз. Яқинда механик-ҳайдовчиларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мавжуд 490 та терим машинаси мавсумга шай бўлиб турибди. Кўрик-танловда Илҳич номли, «Партия XIX съезди», Фрунзе номли жамоа хўжаликлари механик-ҳайдовчилари биринчи ўринларни олдилар. Шахсий мусобақада механизаторлардан Раҳмат Алиев, Қувондиқ Жамбулов ўртоқлар ўз агрегатларини пухта ва беками-қўст созлаб, маҳоратларини оширганликларини намойиш этдилар.

Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда машина теримига тайёргарлик авжида. Белги-ланган майдонларнинг 70 фоизда баргислантириш ишлари ўтказиб бўлинди. Бу муҳим тадбир ҳамма хўжаликларда ҳам эрта-инди ниҳоясига етказилди. Баргислантиришни ноҳияда биринчи бўлиб тугаллаган Илҳич номли ва «Ленинизм» жамоа хўжаликлари эса машина теримини ҳам биринчилар қаторида бошлаш учун шай бўлиб турибдилар.

Меҳнатга яраша рағбат ҳамма ерда қишлоқ меҳнаткашларини унумли ишлашга руҳлантирмоқда.



● Оқдўғрон ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йилги-теримга пухта тайёргарлик кўрдилар. Мавжуд 15

та пахта териш машинаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Суратларда: (чапдан) бош муҳандис Мамат Буканов моҳир чилангарлар Бо-

тир Хожиев, Зокир Қодиров, Ҳаким Маматқуловлар билан суҳбатлашмоқда; Машиналар мавсумга шай. Сураткаш В. ТУРАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎРТОҚ П. ШЕРМУҲАМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Орол денгизини қўтқариш юзасидан олиб борилаётган жамоатчилик ҳаракати ва тадбирларида фаол қатнашганлиги учун Орол ва Оролбўйини қўтқариш жамоатчилик комитетининг раиси ўртоқ Пирмат Шермухамедовга «Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.
Ўзбекистон Республикасининг Президентини
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 сентябрь.

ХУШХАВАР

ҚОВУН-ТАРВУЗ РЕЖАСИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

ТУЙТЕПА. (телефон орқали олинди).

Бозор иқтисоди ва ҳозирги шароит Урта Чирчиқ ноҳияси деҳқонларини ҳам тадбиркорлик билан иш олиб бориш, ердан, ҳар бир имкониятдан оқилона ва самарали фойдаланиб пахта билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам қўлаб етиштиришга даъват этилди. Бу соҳада хўжаликларда қатор тадбирлар амалга оширилди. Пахта яқнахоқимлигига барҳам берилиб, каттагина майдонларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўладиган сабзавот, мева-чева етиштирилмоқда.

Бу йил, айниқса, қовун-тарвуздан мўл, сифатли ҳосил етиштириш учун зарур чоралар кўрилди. Ерлар тайёрлангач, сара уруғлар экилди. Парвариниш вақтида

агротехника талабларига қатъий риоя этилди. Шу тўғрисида ҳам пайкалларда мўл ҳосил этилди. Бу ҳосилни йиғиб-териб олиш ва давлатга етказиб беришга ҳам уюшқоқлик билан киришилди ва яхши натижаларга эришилди. Ноҳия бўйича шу кунга қадар режадаги 1500 тонна ўрнига 2493 тонна қовун-тарвуз топширилди.

Айниқса, Ленин номли «Коммунизм» жамоа хўжаликлари полизилари яхши натижаларга эришдилар ва ноҳия режасининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда ҳам далада қолган қовун-тарвузларни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

АСРЛАРГА ТАТИЙДИГАН ОБИДА БЎЛСИН

Пойтахтимиздаги энг катта, бағри кенг, салобатли ва шукуҳли Мустақиллик майдони не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Эндиликда ушбу майдонда Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг фармонида кўра «Озодлик» обидаси бунёд этилади. 12 сентябрь куни Вазирилар Маҷмаасида бўлиб ўтган йиғинга тўпланган давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ва меъморлар, расомлар ва ҳайкалтарошлар мустақиллигимиз рамзи сифатидаги ана шу обида қандай бўлиши зарурлиги хусусида маслаҳатлашиб олдилар.

Мазкур обида зулм ва интиқоддан озод бўлиш, кўнгли ва руҳнинг эрки, инсон эркинлигининг рамзи бўлиши керак, деб таъкидланди мажлисда. Бу ёдгорлик халқимизнинг, Ўзбекистондаги

барча халқларнинг зиёратгоҳига, уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшадиган, эзгу ишларга чорлайдиган қадамжого айланиши лозим. — Жаҳондаги мамлакатларда бундай ҳайкаллар ан-

чагина, — деб таъкидлади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — Хорижий ҳайкалтарошлар ва меъморларнинг тажрибасини ўрганишимиз, айни вақтда қадимий меъморчилик меросимиздан ижобий фойдаланишимиз, мустақилликдек улур ғояларни шунга яраша образларда акс эттиришимиз керак.

— Тошкент халқимизининг эрки, озодлиги, ободончилиги деб умрини фидо этган кўплаб алломаларнинг қада-

(Давоми 7-бетда.)



Агабичет ва саъйбат



• Мушоира—91

ҒАЗАЛЛАР

Ранжима, жоним, юзинг мохтобга нисбат айласам,
Менки, бу нисбат ила ҳуснингга тухмат айласам.

Айтма бедард деб мени дардим яширсам сўзламай,
Билма бепарво яна ҳажрингда тоқат айласам.

Узмасам сендан кўзим кўрганда ҳайрат этмагил —
Термулиб сунъ нақшига турганча ҳайрат айласам.

Балки бир девона деб қувма эшикдин, дилбарим,
Тиз чўкиб қаршингда мени ишқдин ҳикоят айласам.

Жонни олсанг розиман, қоним ҳалолнинг, Дилмурод,
Не ажаб, маҳшаргача қатлингга роҳат айласам.

Маним ҳолимга раҳм этсун, ўшал дилдора айтсангиз,
Фироқдин юроким қон, ғамим ошқора айтсангиз.

Муҳаббат чоғридин тотдим кўриб ҳуснини, маст бўлдим,
Негай ҳуморлигим қонмас, кўзи хуммора айтсангиз.

Неча арзлар битиб эрдим, йўлига кўз тутиб эрдим,
Кўйида ғам ютиб кўнглим ҳануз овора, айтсангиз.

Маликам қай гуноҳим-чун мани зору ғариб этмиш,
Дилмуродин сўрар эрса дебон бечора айтсангиз.

Ера бир сўз демассиз гар аё, дўст арзидин, дўстлар,
Бу йўлда ки мани бечорага бир чора айтсангиз.

Ушбу матлаъ (биринчи байт) Ҳофиз Шерозийга назира бўлган.

ТҮРТЛИКЛАР

Ииллар ҳам ўтажак карвондек бир-бир,
Опшоқ ранг кўрарсиз сочимда ул чоғ.
Азизам, бу — менинг умидларимдир
Ҳеч қачон тўкилиб кетмаган, ОПШОҚ!

Гўзалсан, қуёш ҳам ёнару битар,
Тўлиқ ой ҳуснингдан қуюб рашиқ этар.
Иккисин куймоғи басдир, жонона,
Маним куйишимдан не фойда этар?..

Уша тун Чўлпоним отилган эди,
Қодирий, Усмоғим отилган эди.
Йўқ-йўқ, хато қилдим қатли ом даври
Энг аввал виждоним отилган эди!

Дилмурод САИДОВ.

ҚУШИҚНИ мен сеҳрли бир оламга ўхшатаман. Инсон қушиқ тинглар экан, ма на шу оламга кириб боради, кўнглида орзулар туғён уради, қалбини илиқ ҳиссиётлар қамраб олади, эзгу умид ва ниятлари тилига қалқиб чиқади. Яхши бир қушиқ тинглаган киши кун бўйи яхши кайфият билан юради, қилган иши ҳам унумли бўлади, ўзини қушдек енгил ҳис қилади. Аксинча, бирор кун қушиқ тингламай қолган киши ўзини ниманидир йўқотгандай ҳис этади, юқорида айтиб ўтганим — сеҳрли оламдан ажралиб қолгандай бўлади. Қушиқ орқали кишилар нафақат шодликларини ифода этадилар, балки ғам-аламларини ҳам тўкиб соладилар. Шундай экан, инсон қушиқсиз яшай олмайди.

Хонанда ана шу сеҳрли оламнинг бошқарувчисидир. У — қушиқнинг яратувчиси. Демак, санъаткор ўз қушиқлари билан инсон қалбига кириб бориши, унинг ҳаёлини бир зумга бўлсада мафтун этиши даркор. Таниқли санъаткорлар изидан бораётган Гулбаҳор Сулаймонова ҳам ана шундай бағри кенг хонандалардан биридир.

Гул атрини қайдан билурсан
Қўлга тикан ниш ботмагунча,
Дўст қадрини қайдан билурсан
Душман сенга тош отмагунча.

Гулбаҳор Сулаймонованинг «Дўст қадри» қўшиғи ана шу сатрлар билан бошланади. Бу қушиқни мен қалбим ҳиссиётларга тўлган ҳолда тинглайман.

Қисқа вақт ичида ўзининг оҳангдор, бошқалардан фарқ қилувчи мусиқий йўналишига эга қушиқлари билан эл оғзига тушаётган Гулбаҳор опа куйлаётганда беихтиёр овознигор ёки ойнаи жаҳон орқали куй янграшиданоқ библи олиш мумкин.

Г. Сулаймонова «Васлинг хумори қўймас», «Жон ака», «Йигит», «Келинчак»,

«Онамга», «Менинг севгим» каби ўнлаб қушиқлари орқали бизга жуда яхши таниш. У Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олади. Айни вақтда Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси эстрада симфоник оркестрининг хонандаси ҳамдир.

САНЪАТКОРЛАР
ДАВРАСИДА

«ГУЛ АТРИНИ ҚАЙДАН БИЛУРСАН?...»

— Санъатга кириб келишимда, — дейди Гулбаҳор опа, — ота-онамнинг ёрдамлари жуда катта. Раҳматли онам Хуррам Неъматова муаллима эдилар. Мактабда 36 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ёш авлодга таълим-тарбия берганлар. Отам — Омон Бозоров эса ҳозир ҳаётлар. Ота-онамнинг санъатга алоқадорликлари йўқ, лекин уларнинг айниқса, онамнинг қушиқ ижрочилигига ихлослари жуда баланд эди. Санъатни жон дилларидан севганликлари туфайли менинг ҳам санъаткор бўлишимга ҳайрихоҳ бўлганлар.

— Қушиқларингизнинг яралишида қайси шоир ва бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз? — деган савол билан хонандага мурожаат этдим.

— Ижодимнинг бошланиши бевосита Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бастакор Қаҳрамон Комилов билан боғлиқ. У киши кўпгина қушиқларимга куй басталаган. Жумладан, Нозим Билол га, зали билан айтиладиган

«Йигит» номли қўшиғимнинг мусиқаси Қаҳрамон ака ижодига мансубдир.

Оқким, кўнглимни олди
Бир латофатлик йигит.
Ўйнатиб тин қора тулпор
Ул камолотлик йигит.

Бундан ташқари, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси эстрада симфоник оркестрининг бош дирижёри Анор Назаров ва бастакорлардан Алишер Икромов, Рустам Абдуллаев билан ҳам ижодий ҳамкорлик олиб борамиз. Анор ака менга янги қушиқ яратишимда, уларга мусиқа танлашда бевосита ёрдам беради. Жумладан, «Жон ака», «Келинчак» каби қушиқларимга ҳам у киши куй басталаган. Баъзан ўзим ҳам мусиқа танлайман. Хусусан, «Ўйнасин», «Васлингга етмагунча» каби қушиқларимга ўзим куй басталаганман. Кўпинча қушиқ матнларига Пўлат Мўмин, Зоҳиджон Обидов, Охунжон Ҳакимов, Барот Исроиил, Муҳаммад Юсуф, Мирпўлат Мирзаев, Иброҳим Жиянов, Худойберди Чоршанбиев, Нуриддин Аминжонов каби шоирларнинг шеърларидан фойдаланаман.

— Мухлисларингизни яқин орада қандай янги қушиқлар билан хўшнуд этмоқчисиз?

— Мен ҳозир бир неча қушиқлар устида ишламоқдаман. Жумладан, «Гул бўлсаму» (П. Мўмин шеъри, А. Назаров мусиқаси), «Билмадин» (қуйини ўзим басталаганман), «Онаси, жонажонсан» (халқ куйи), «Ким ширин забон эрса» (О. Ҳакимов шеъри), «Менга» (З. Обидов шеъри, А. Икромов мусиқалари)....

Гулбаҳор Сулаймонова халқ куйларидан узоқлашиб кетмасликка, қушиқларини миллийлик уфуриб туришига ҳаракат қилади. Унинг қушиқларини тинглаган киши шундай хулосага келади.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,
ТошДД талабаси.

У ОНАСИНИКИГА деярли ҳар шанба кун чикади. Иккала ўғлини ҳам ўзи билан бирга олиб боради. Ўзи ҳам, қизлари ҳам шанбанинг келишини бетоқат кутишади.

— Бугун бувимларнингга борамиз-а? — Эрта билан туриб олган болалари гапни шундан бошлашади. Ясантусан қилиб олишади-да, онасига «у-бу» тугиб йўлга чиқшади.

Неча йилдан бери ода шу. Онаси ҳам то улар боргунча сабри чндамай, дарвоза олдига чиқиб кутиб ўтиради. Лекин... Илгари Лобар соғиниб, ошиқиб келарди онасиникига... Ҳозир эса... уларникига бориш учун йўлга тушаркан, ўзини оғир, беҳол сезади. «Ҳаммасига ўша воқеа сабабчи», алам билан эслайди Лобар...

Шанба кунларининг бирида уни яқин дугонаси туғилган кунига таклиф қилди. Лобар шу кун онасиникига эртароқ келди. Болаларини уларникига ташлаб зиёфатда хотиржамроқ ўтирмақчи бўлди. Кечқурун тошойна олдига ўтириб олиб, ўзига оро бера бошлади. Дугонаси — ўзлари билан ишлайдиган профессор Комил Аҳадовичнинг кенжа қизи, Уларникига ҳар доим казо-казолар келишади. Лобар бу қизлар ичида ҳеч вақт ўзини паст тутгиси келмайди. Ҳа-да, дорилфунунда ишлайдиган бўлса. Маоши оз бўлса ҳам, ишхонасининг обрўси катта.

«Шундай жойда ишлаб туриб, юришига қара», дейишмасин деб бир сидра қимматбахо кийимни бир амаллаб ололган. Уларни аяб-аяб, ўшанақа жойларга кияди, холос.

Лобар ясан-тусан қилиб бўлди-да, бундан ўн йилча олдин марҳум қайноғаси совға қилган тилла соатини

— Йўқ, ҳечким киргани йўқ. Кенноним юривди, холос.

— Ҳм... шу юривди дегин. Демак, ўша олган. Илгари Анора ҳам бир шипшитиб қўювди-я, оқ мунчоғи йўқолганда ҳам уйда Фазилатдан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Лобар тобора асабийлаша бошлади. — Бор, оймини

— Балки эсингдан чиқариб, тақмай келгандирсан? Уйингда қолгандир.

Бу гап Лобарнинг баттар аччиғини келтирди.

— Нима, эсим пастми менинг, қилган ишимни билмай? Тақиб келувдим, эрталаб келганимда ечиб сумкамнинг ён қопчигига қўювдим, — қўлидаги сумкани

ойисини юлқиб ташлади. — Ҳозир бориб хонасининг тит-питини чиқариб ташлайман, — Шундай деб Лобар хонадан чиқиб кета бошлади.

Шу пайт хонага Фазилатнинг ўзи кириб келди.

— Болам, овқатинг тайёр бўлди-ми? — шошиб-пишиб сўради Анзират ая ўртадаги гапни келинига сездирмаслик учун. Фазилат унга жавоб бермади. Лобарга юланди-да, алам билан тез-тез гапира бошлади:

— Ўша мунчоғни опа, Аноранинг ўзи дугонасининг тўйи кунини унга бериб турган экан. Бир йил ўтгандан кейин шу қизнинг ўзи «эсимдан чиқиб кетибди» деб узр сўраб, олиб келиб берди. Мен ўша воқеадан бери бу хонага кирмайман ҳисоби. Соатингизни эса эрталаб Анора тақиб қаёққадир кетди. Фазилатнинг овози қалтирарди, — ўзи бу уйда ортирганим «ўғри» деган ном бўлди, — шундай деди-ю, у йиғлаб ортига бурилди. Фазилат хонадан чиқар экан, эшикдан кириб келаятган Анорага урилиб кетди. Бу ҳолга тушунмай анграйиб қараб қолган Анора бирпас бўсағада туриб қолди. Сингисининг қўлида ялтиллаб турган соатга кўзи тушган Лобар эса ҳолсизланиб ўзини курсига ташлади...

Гулсара ИСМОИЛОВА.

ТИЛЛА СОАТ

ВОҚЕАНИ ҲИКОЯ

тақмоқчи бўлиб сумкасини кавлай бошлади, бироқ тополмади.

— Шундоғ ён киссасига қўювдим-ку. Ўлгур қатта қолди экан-а, — унинг ҳафсаласи пир бўла бошлади. — Моҳи, соатимни кўрмадингми? — сўради нариги хонада ниманидир тикиб ўтирган сингисидан.

— Қўлингиздан ечиб сумкангизга солувдингиз-ку, — опасининг безовта бўлаётганини кўрган Моҳира ўрнидан туриб унинг олдига келди-да, қўлидан сумкани олиб ўзи қарай бошлади.

Сумкада соат йўқ эди. — Уйга кимдир кирувдими? — ҳадиксираб сўради Лобар сингисидан.

чақириб келгин, — буюрди у сингисига жаҳл билан. Қизларининг нимадандир сиқилиб туришганини кўрган Анзират ая:

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради.

— Ойи, соатим йўқ, эрталаб сумкамнинг шундоғ киссасига қўювдим, — деди Лобар йиғламоқдан бери бўлиб.

— Дурустроқ қарагин, тушиб қолган бўлмасин. Қайга боради уйдан чиқиб, — гапирди онаси вазминлик билан.

— Э, тагин қанақа қарайди, бир соатдан бери титкиламаган жойим қолмади, — зарда билан бақирди у онасига.

жаҳл билан бўсағага қараб иргитди у. — Фазилат олган, ундан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни, — Лобар атайлаб баланд овозда гапирди.

— Вой, болам, секинроқ. Ўзи яқинда отаси ўлиб, жуда эзилиб юрибди, — деди Анзират ая келинининг эшитиб қолишидан чўчиб, эшик томонга қараб қўяркан.

— Ҳар гал шунақа ёнини олиб юраверинг. Ҳали бундан баттар ишларни қилади, қараб туринг. Ўшандаям мунчоғни айтганда Аноранинг оғзига урган экансиз уйда жанжал чиқишидан қўрқиб, Мана, кўнгилчанлигининг оқибати, — у

Тошкент шаҳар судининг аъзоси И. Иброҳимов раислигида кўрилган бу жиноий ишнинг тафсилоти узун, ниҳоятда даҳшатли. Тўдага илгари бир неча марта судланган, қамоқхоналарда «тажриба-малака» оширган Арменак Кулоянц раҳбарлик қилган. Гуруҳ «аъзо»лигида Тошкент политехника олий билимгоҳининг солиқ толиби Сергей Шкрябин, Навоий шаҳар автобус-такси паркиннинг солиқ ҳайдовчиси Салоҳиддин Аҳмедов, Қарши шаҳар пионерлар саройини солиқ конфертмейстери Гулноз Каримовалар «қабул» этилганлар. Уларга кейинчалик Вергун ва Когайлар — кураш усулларини пухта эгаллаган кимсалар қўшилишган. Тўда «ихтиёрида» «Волга» енгил автомашинаси, давлат хавфсизлик комитетининг сохта гувоҳномаси, қурол бор эди...

Шундай қилиб, Арменак Кулоянц бошчилигида ниҳоятда хавфли, қуролланган тўда ташкил топди. Жиноятчилар ўз мақсадларини амалга оширишдан олдин маслаҳатлашиб, режа туздилар, содда кишиларни лақиллатдилар, минг бир қийноққа солдилар.

Тўда аъзолари 1989 йилнинг июнь ойида Сергейнинг отасига тегишли «ГАЗ—24 10» машинасида Самарқандда пайдо бўдилар. Уларни қадимий шаҳарнинг ёдгорликлари эмас, мўмай пул ишлаб олиш, бировларнинг мол-мулкига осонгина эга бўлиш имкониятлари қизиқтирарди. Шу мақсадда Самарқанд кездилар, гап-сўзларга қулоқ солдилар. Бир куни кимдандир хушхабар эшитишди: Ҳамза Оллоёров деган киши «ГАЗ—24» автомашинаси сотиб олишга анчадан бери орзуманд бўлиб юрганмиш.

А. Кулоянц ва унинг шериклари харидор Х. Оллоёровни машинада кўздан холироқ жойга олиб бордилар. Орқа ўриндиқда ўтирган Сергей кутилмаганда Ҳамзанинг бўйнига чилвир ташлади ва бўга бошлади. Бир томондан Арменак тўппончасини унинг биқинига тиради, қандайдир нарса билан боши ва юзига урди. Лекин Ҳамза ҳам бўш келмади, жони борича юлқиниб, ташқарига отилди. Жиноят амалга ошмай қолди.

Орадан бироз муддат ўтгач С. Шкрябиннинг «Волга» автомашинаси яна «сотув»га қўйилди. Бу сафар унга жиззахлик Урдуш Аббосов харидор бўлди. Унгача товламачилар ишни пухталаб олгандилар: харидордан пулни олгач автомашинани қонуний равишда расмийлаштирмайдилар. Натижада У. Аббосов «Волга»ни яна эгасига қайтарди ёки ўзлари уни олиб қочадилар. Арменак Урдушнинг юрагига ўт ёқиб, шопилтирди: «Машина Алиқ (Сергейнинг Арменак ўйлаб топган сохта исми)нинг отасига қарашли. Ўзига дурустроқ одамга сот, деган. Уларга тезроқ пул керак. Ўйлаб ўтирма, оғайни. Шундай машинадан қуруқ қоласан». Урдуш ҳам таранг қилмади, 27 минг сўмни нақд санаб берди, етмаганига уч минг сўмлик уч фойзли давлат заёмини топширди. Арменак ва Сергей Урдушга: «Уч кундан кейин машина хужжатларини расмийлаштириш учун қайтиб келамиз» дейишди. Бояқиш уч кун эмас, ҳафта, ойлаб кутди...

Сергей Шкрябин уч минг сўмдан минг сўмини онасига берди, қаердан олганини айтмади ҳам. Товламачилар

19 минг сўмга «ВАЗ—2109» автомашинасини сотиб олдилар. Уни нотариал идораси орқали А. Кулоянц номига расмийлаштирдилар. Бу машинада турли хил жиноятларни амалга ошириш режалаштирилди.

Тўдага ҳарбий хизматчи Борис Вергун ва Игорь Когайлар қўшилдилар. Қуролланган, фақат қора ниятигина амалга оширишдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўда янги автомашинада яна Самарқандда пайдо бўлди. Бу гал хўжалик моллари магизини мудирини Борис Плештиев нишонга олинди. Вергун ва Когай магазин омбори зинапоёси олдида қоровулликка турдилар. Арменак эса Б. Плештиевнинг ёқасидан тутди: «Бизга ўн минг сўм берасан, бўлмаса...». Магазин мудирини кўрди. Лекин бор гапни Боғишамол район

тикилиб турган Мирзога қалбаки гувоҳномани кўрсатди ва ичкарига кирайлик, гап бор, деди. Ичкарига киришгач, эшикни занжирлаб дангалга талаб қўйди: «Тилла танга ва пулларингни олиб чиқ!». Мақсудов «Менда пул ҳам, тилла ҳам йўқ» деди. Шунча овра-сарсонгарчиликлардан асаби қўзиб, ваҳшийлашган тўда бошлиғи Мирзонинг бўйнига чилвир ташлади, аёвсиз бўга бошлади. Яхшиямки, уй бекаси сезиб қолди. У кўчага қараб югурди. Мирзонинг устига бензин сепмоқчи бўлиб турган жиноятчилар аҳвол чаққилиғини сезишди, зудлик билан машинага ўтириб, фойиб бўлишди...

Арменак тўдасининг барча қилмишларини батафсил ҳикоя қилишнинг иложи йўқ.



• Суд ҳукмидан сўнг

ички ишлар бўлимига хабар қилди. Омади юришмаган жиноятчиларга ўн минг сўмни санаб олиш насиб этмади...

Жомбой шаҳридаги «Лола» кооперативига қарашли гўшт дўкони сотувчиси Тўра Аҳадов нотаниш кишига мулозамат қилди: «Келинг, меҳмон, гўшт оласизми? Жиддий қиёфали Арменак Давлат хавфсизлик комитетининг сохта гувоҳномасини кўрсатди: «Дўконни ёпиб, биз билан юринг. Бизга сизнинг Улуғ Ватан уруши пайтидаги фаолиятингизни текшириб кўриш топширилган». Каловланиб қолган бояқиш қассоб бир оғиз сўз айтмай, машинага ўтирди. Жомбой орқада қолди. Машина хилват жойда тўхтади. Унга шундай дейишди: «Бизга пул керак». Аҳадовнинг ёнида 500 сўм бор экан, шунини бермоқчи бўлди. Арменак чўрт кесди: «Минг ёки беш минг сўмга ҳам кўймаймиз, Жуда кўп пул керак. Тўшундингми?» Т. Аҳадов «Бунча пул йўқ» деди. Қассобни машинадан тортиб туширдилар. Вергун зарб билан оёқ туширди, Сергей эса оёқларини боғлади. Арменак дўқ урди: «Пул топасанми, ёки...» Рад жавобини олгач, Когайга идишдаги бензинни келтиришни буюрди. Қассоб устига бензин сепишди. Арменак тугуртни олди. Қассоб жон ҳолатда қичқирди: «Ёқманглар! Уйимдаги сандиқда 38 минг сўм бор. Ҳаммасини бераман». Йўлда бор-йўқ бўлиб қолган Т. Аҳадовни қўрқитишди: «Мирзо Мақсудовнинг уйини кўрсатасан. Унда кўпгина тилла бор экан».

Арменак ўзига ажабланиб

Шунинг учун биз сизга улар амалга оширган энг даҳшатли бир жиноят хусусидагина сўз юритмоқчимиз. Шунинг ўзи тўда аъзоларининг асл қиёфаларини равшанлаштирад.

...Арменак ва унинг шериклари Бухоро орқали Тошкентга кетаётганларида йўлда машина бузилиб қолди. Нима қилиш керак? Сергейнинг ўзига ўхшаш ойнаоғайнилари кўп эди. Шулардан бири Навоий шаҳрида яшарди. Шунингга киришди. Эртасига такси ҳайдовчиси бўлиб ишлайдиган яна бир танишларини учратишди. У уларни машина тузатадиган бир оғайнисиникига олиб борди.

«Меҳмонлар» машина тузатилгунча дастурхон атрофида ароқ ичиб ўтиришарди. Устанинг ўртоғи Салоҳиддин ҳар замонда башанг кийинган, пулни пўчоқча кўрмайдиган йигитларга кўз қирини ташлаб қўярди. У бу одамларнинг қандай иш билан шуғулланишларини ҳам сезди. Ниҳоят «меҳмон»лар қаторига ўтирди.

— Йигитлар, — деди Салоҳиддин бироздан сўнг. — Менда бир таклиф бор: ҳозир Бухорога бориб, отамни олиб келамиз.

Арменак унга ажабланиб қаради.

— Тушунмадинглар-а? Мен сизларга ҳазина калитини бермоқчиман. Ана шу калит — отам. Унда жуда кўп тилла, пул бор. Лекин бобой ўлгудек хасис. Бировга бир тийин бермайди. Уша пулни, тиллаларни оласизлар... Уз отасини жиноятчиларга топшираётган оқпадарга ҳамма ҳайрат билан қаради.

— Гап бундай оғайнилар, — Салоҳиддин ўз режаларини тушунтиришга киришди.

— бизнинг бобой ёлғиз яшайди. Яша деган қўшнис бор. Бундан йигирма йил аввал мен отам билан Батумида дам олган эдим. Шунда Чечевидзе деган грузин билан танишиб қолдик. У ҳам ўғилчаси билан дам олаётган экан. Мана, сен, — Салоҳиддин Арменакка юзланди. — Уша грузинга ўхшайсан. Отам олдига бориб мен Чечевидзенинг ўғлиман, сизни кўргани келдим, дейсан. Бобой албатта ишонади. У ёғи ўзларингга ҳавола. Лекин айтиб қўй: тилла ва пуллар ўртада бўлади.

Арменак Салоҳиддинга нафратланиб қараб ўтирарди: Тавба, бу қандай инсонки ўз отасига буни раво кўрса?! Бизга нима, пул, тилла бўлса, у ёғи билан ишимиз йўқ. Агар алдаса, лақиллатса... Хуллас, тўда «операция» режасини пухта тузди.

Шундоққина пол устида отаси қўллари боғлиқ ҳолда, юз тубан бўлиб ётарди. Ундан кейин яна Арменак ва Сергей Сабо ака олдига кириб, бояқиш кексани азоблашга тушдилар. У сингилсининг уйи адресини айтди. Тўда бошлиғи «ҳазина»га кетишдан олдин маъшуқаси Гулноз Каримовага қўшоғиз милтиқ берди. «Агар одамларни ёрдамга чақирса қўндоғи билан оғизга ур, ҳужум қилса отиб ташла». Кейин чолга ўдағайлади: «Жим ёт, қичқирсанг, хотиним сени соғ қўймайди».

«Ҳазина» қидирувчилар Бухорога бориб, айтилган жойни кавлаб ташладилар, ҳаммаёқни титиб кўрдилар, ҳеч нарса топилмади. Кўзларига қон тўлиб, уйга қайтиб келишди. Яна мушт, тепки... Арменак дазмолни қиздирди. Сабо ака тўлғониб, жон аччиғида қичқирди...

Азоб-қийноқлардан зада бўлиб қолган Сабо ака полда қора қонга бўялиб ётар, бошини кўтаришга ҳоли келмасди. У милтиқ билан «пост»да турган Гулнозга ялинди: «Кизим, дазмолни яшириб қўй...». Гулнозда инсонийлик туйғулари уйғониб, унинг қўлларини ечди, пиёлада қурвқшаган оғизга сув тутди. Шу пайт бирдан эшик тарақлаб очилиб, оч бўридек қутурган Арменак ва Сергей кириб келишди. Шу куни Сабо аكانинг соғ жойи қолмади, ўғли Салоҳиддинни эслади. Бироқ бояқиш ота бу қийноқларнинг бош сабабчиси ўз ўғли эканлигини билмасди.

Оқпадар Салоҳиддин отасининг пажмурда гавласини, зўрға нафас олаётганини кўриб, уни... ўлдиришга «оқ фотиҳа» берди ва бу мудҳиш жиноятни қаерда амалга ошириш мумкинлигини ҳам кўрсатди. Сергей ва Арменак чолни машина юкхонасида чиқиндилар ташланадиган хилват ерга олиб келишди, оёқ-қўлларидан ушлаб, ерга улоқтиришди, аямай тепкилашди, қийноқлар тугайли жони узилгач, чуқур кавлаб наридан-бери кўмиб қўйишди. Сўнг бу ҳақда Салоҳиддинга «ахборот» беришди.

Судда Салоҳиддин қуйидагича кўрсатма берди:

— Мен, Сергей ва яна бир танишим билан Бухорога кетдик. Йўлда отамнинг аҳволи ёмонлашди, дўхтирга олиб бормоқчи эдик, ўзи кўнмади. Кўп ўтмай вафот этди. Химзаов чиқиндилари ёнида тўхтаб, чуқур гўр қазидик. Отамнинг оёқ-қўлларидан боғлаб, қабрга туширдик. Тиловат қилиб, фотиҳа ўқидим...

Бу сўзларни қандайдир ваҳший ва махлуқ эмас, сиз билан бизга ўхшаган одам айтган. Тўғриси, уни «одам» деб атагимиз келмайди. Ўз отасини девдек бақувват йигитлар навбат билан тепкилаётган, қизиган дазмол билан азоблаётганини кўра туриб... бу ёғини айтишга тил ожиз. Ўз падарини қотиллар қўлига топшириб, уни қийнаб ўлдираётганларига йўл қўйиб берган бадбахт фарзандни нима деб аташни ҳам билмай қолдик.

Шундай қилиб, узок вақт одамлар тинчлигини бузган хавфли жиноятчилар тўдаси тугатилди. Арменак Кулоянц 15 йил, Сергей Шкрябин 13 йил, Салоҳиддин Аҳмедов 8 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилдилар. Тўданинг бошқа аъзолари ҳам тегишли жазоларини олдилар.

ЭСОЯ ҚОСИМОВ,
МАЛИК НУРИДИНОВ.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ТАБИАТВАДИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚУМИТАСИ НАШРИ

ҚАТЪИЙЛИК КЕРАК

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳарлари ва ноҳиялари, сановат корхоналари ташиқлотлари, кўчалари муассасаларида табиати муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тобора кўпроқ амалга ошириляпти. Бундай ишлар давр талаби бўлиб қолди. Чунки сув, ҳаво, тупроқ шу даражагача ифлосланиб кетдики, унинг олди олинмаси нисҳоятда ҳуноқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги ва келажак авлодларнинг саломатлигини, она-табиатга завол етказмасликни ўйлаган ҳар бир корхона-ташиқлот раҳбарлиги, танида жони бор ҳар бир инсон бу хайрли ишдан четда қолмаслиги, унинг фаол қатнашиши бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда шу тамойил кучайиб бораётганлиги қувончлидир. Вилоят, унинг шаҳарлари ва ноҳияларида ташиқлот этиланган табиати муҳофаза қилиш қўмиталари бу ишда бош-қош бўлмоқдалар, жойларда атроф-муҳитни мусоффо қилганга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашмоқдалар. Улар кўрган ва кўраётган чоралар тўғрисида атроф-муҳитни булғатаётган манбалар йил сайин камайиб бормоқда. Масалан, жорий йилининг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан табиати муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга сарфланган сармоя ўн фоиздан кўпроқ ортди.

Ўтган биринчи ярим йилида табиати муҳофаза қилиш ишлари бўйича режанинг бажарилиши тўқсон бир ярим фоизга етди. Ўзлаштирилган сармоя ҳажми даярли йигирма миллион сўмини ташкил этди. Бироқ режанинг тўла унда-ланмаганлиги афсусланарлиқдир. Бунинг қатор объектив сабаблари ҳам бор. Асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, металлнинг камбалиги, бинокорлик ташиқлотларининг қувайти етмаслиги ва бошқалар шулар жумласида.

Бундай қолоқликда жойлардаги табиати муҳофаза қилиш қўмиталарининг айби ҳам бор. Улар табиати муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган барча тадбирларнинг вақтида амалга оширилишини таъминламадилар, бу ишда сўнқашликка йўл қўйдилар, назоратни бўшақтириб юборишди. Албатта, ҳамма қўмиталар ҳам вази-фасига шундай ёндашди, деб бўлмайди. Табиати муҳофаза қилиш ишлари билан жиддий шуғулланётган, уни бир дақиқа бўлса ҳам эътибордан четда қолдирмаётган, бу йўлдаги лоқайдлик кайфиятига бе-

гона қўмиталар, назорат ҳам бор. Улар кўпчилигини ташкил этишади.

Бекобод шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси жамоасининг кўнд-пншдиги билан Ўзбекистон металлургия заво-дида йирик тозалаш иншооти вақтида фойдаланишга топширилди. У ҳар йили 8,9 миллион куб метр ифлос оқова сувларни тозалаш қувватига эга. Шу иншоот тўғрисида оқоваларни Сирдарёда оқизиш барҳам топди. Тозаланган сува қайтадан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Ангрендаги «Цемент» ширкат корхонасида айланувчи печларнинг электрик филтратлари қайта қурилди. Биргина шу тадбир тўғрисида чинқидиларнинг ҳавога чиқариш ҳажми бир йилда салкам бир минг бир юз тонна камайиши кутуляпти. Бундай мисол-ларни яна келтириш мумкин.

Бироқ, табиати муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат сўз йўлга қўйилган жойларда бу муҳим иш учун ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмапти. Шаҳар ва ноҳия қўмиталаримиз фаолятидаги бундай камчиликлар уларнинг шатига яхши эмас.

Маълумки, Олмалик атроф-муҳитни энг кўп ҳажмда ифлос қиладиган шаҳар ҳисобланади. Тўғри, бу ерда ҳам табиат мусоф-фалигини яхшилаш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Бироқ, улар етарли бўл-мапти. Кўпгина яхши тадбирлар қозғаша қолиб кетапти эки вақтида амалга оши-рилиётгани йўқ. Масалан, Олмалик кон-ме-таллургия комбинатида муҳим бир тоза-лаш иншооти — СК-3 қурилиши нисҳоятда сўралмоқда. Уни ишга тушириш билан чинқидиларни чиқариш йилга даярли элик минг тонна камайиши таъминланади. Лекин бу иншоотни битириш кейинги йил-га кечиктирилди. Шаҳар табиати муҳофа-за қилиш қўмитаси бу билан мурросасоз-лик қилмоқда.

Охангарон цемент ишлаб чиқариш бир-лашмасида эса чанг-тутунни ушлаб қолув-чи 413 минг сўмлик тадбир, муддатлари ўтиб кетганига қарамай, ҳамон амалга оши-рилишга йўқ.

Хулоса шуки, барча табиати муҳофаза қилиш қўмиталари ўз ишларини янада жон-лантиришлари, зиммаларидаги вазифалар-ни тўла бажаришлари, олийжаноб ишла-рида қатъийлик намойиш қилишлари лоз-им. Чунки табиатимиз мусоффолиги, фу-қаролар саломатлиги кўп жиҳатдан шун-га ҳам боғлиқдир.

М. МУЙДИНОВ,

вилоят табиати муҳофаза қилиш қў-митаси бўлими мудри.

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида сув ҳақидаги қонунчиликни бузганликлари учун 84 нафар ман-сабдор қилишларга жазима солинди. Унинг жами миқдори 11 минг 250 сўмин ташкил этди.

Уш битта корхона раҳбарлари эса тозалаш иншоотларининг қоникарсиз ишлаганини, сув ҳав-заларини булғатганини, тозалаш иншоотлари ку-рилишини барбод этганини, махсус руҳсатнома ол-масдан сувдан фойдаланганини учун мукофотлар-дан маҳрум қилинди.

Давлатга зарар келтирилгани учун ўнга кор-хонага 134 минг 128 сўмлик даъво тўғрисида эъти-ҳот қилинмоқда.

Атроф-муҳитни кўп даражада ифлосланган кор-хона-ташиқлот ишлаб чиқаришни тўхтатиб қў-йиш ҳақида саккиз марта қарор чиқарилди.

Ер ҳақидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган ладҳончилик ҳўжалиқларининг қирғидаги яқин турли иноратларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди. Уларнинг кўпчилигини минерал ўғитлари ва санитария талабларига жавоб бермайдиган за-ҳарли химикатлар оғборлари ташкил этди.

ҲАР ТУҒРИДА

200 МИНГ ТОННА ДОН АСРАБ ҚОЛИНДИ

ХИТОЙНИНГ жанубий-гарбий вилояти Саучунда сик-қонларга қарши уруш эълон қилинди. Олийларнинг ҳисоб-лаштиришига қараганда вилоят ту-манларининг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

син ишлаб чиқдилар. Бунда жониворларнинг табиий ода-тларини ҳисобга олишди. Кў-рилан чоралар тўғрисида бир-гана 1990 йилда 200 минг тон-наларнинг фақат биттасида 500 миллиондан ортиқ шундай зараркунада бор экан.

Синьхуа агентлигининг хабар беришига маҳаллий мутахас-силар келмурувчиларга қарши курашининг махсус технология-

ЧИҚИНДИ ЧИҚАРИШ КАМАЙМОҚДА...

ЧИРЧИҚ шаҳри унча катта бўлмаган майдонин — 3,9 минг гектар ерим эгаллаган бўлиб, унда 160 мингдан зиёд аҳоли ишайди. Шаҳарда табиатга, атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи 70 дан ортиқ ҳар хил манбалар, жумладан кимё, ме-таллургия, машинасозлик, эн-гил сановат, бинокорлик мате-риаллари сановати ва автомо-билъ корхоналари жойлашган. Табиатга салбий таъсир эта-ётган корхоналар қаторига асосан «Электрхимпром» иш-лаб чиқариш бирлашмаси, Ўз-бекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлур-гия комбинати, Ўзбекистон кимё-машинасозлиги, Чирчиқ қи-шлоқ ҳўжалиқ машинасозлиги заводлари, бинокорлик мате-риаллари ва конструкциялари комбинати, асфальт-бетон кор-хонаси ва автокорхоналар кир-ади.

Ўтган йилда ҳар хил турда-ги манбалардан ҳавога 29700 тонна зарарли моддалар чи-қарилган бўлса, шунинг 58 фоизи сановат корхоналари-га тўғри келган. Бунинг 84 фоизи «Электрхимпром» ишлаб чи-қариш бирлашмасиникидир. Еки бир йилда сува ҳавзалари-га шаҳардаги ҳамма корхона-лар ва ташиқлотлар томонидан 199 миллион куб метр ифлосланган сува ташланган бўлса, шунинг 98 фоизи «Электрхимпром» ишлаб чи-қариш бирлашмасига тўғри ке-лади. Шу сабабли, табиатга асосан зарар келтираётган корхоналар шаҳар табиати-ни муҳофаза қилиш қўмитасининг диққат марказида турибди.

Шаҳардаги ҳамма корхона-ларда табиати ифлосланган-рувчи манбалар ҳисобга оли-нган, ҳавога яра сувага ташла-нган зарарли чинқидиларнинг миқдорлари аниқланган. Кор-хоналарда табиати муҳофаза қилиш кўп йилларга мўлжал-ланган режаларни ишлаб чи-қилди. Бу режаларнинг баъзи-рилиши бунинг қўмита томон-идан ҳар қаватда текшириб боришмоқда.

Кейинги йилларда шаҳарда табиати муҳофаза қилиш қў-мида анча ишлар қилинди ва

қилинмоқда. 1984—1990 йиллар давомида сановат корхоналари томонидан ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар икки ба-равар камайди. Бунга «Электр-химпром» ишлаб чиқариш бир-лашмасида эскирган, ҳозирги замон талабларига жавоб бер-майдиган аммиак селитраси, азот кислотаси ва бошқа ка-тор цехларнинг ёпилиши ва бошқа корхоналарда табиати муҳофаза қилиш юзасидан ўт-казилган тадбирлар тўғрисида эришилди. Шаҳар ҳавосидаги аммиак миқдори нормага нис-батан 2,5 баравар ошмиқин-дан 1,8 га, чанг миқдори эса 2 нормадан 1,3 нормага ка-майди.

Тоза сувнинг сановат эҳти-ёжлари учун ишлатилишини камайитириш устида ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар даёғта татбиқ этилмоқда. Бу масалада бизнинг асосий йўналишимиз технологияда фойдаланилган сувин қайта қилиштириш тизимини жорий қилиштириш. Ҳозирги кунга ке-либ сановат корхоналаридаги сувин қайта ишлатиш систе-маларининг бир йиллик кива-ти бир неча миллион куб метрга етди.

Сувин қайта ишлатиш ва те-жамкорлик тадбирлари ўткази-лиши натижасида ўтган беш йил ичида сановат корхона-ларининг сува истеъмол қилиши анча камайди. Бу соҳада ке-йинги 2—3 йил ичида тоза сувин ишлаб чиқаришда иш-латилиши яна 35—37 миллион куб метрга камайитириш режа-лари тузилди ва улар бирин-кетини амалга ошириляпти.

Лекин, табиати муҳофаза қилиш борасида шаҳримизда олиб борилаётган ишларни умуман кўнгиладиган деб бўлмайди. Атроф-муҳит му-ҳофазасини яхшилаш учун ақра-тилар сармояларнинг тўла ўз-лаштирилмаслиги катта та-ъсир туғдиришмоқда. Масалан, ўтган йилда шаҳар бўйича де-ярли 9 миллион сўмлик таби-ати муҳофаза қилиш тадбир-лари бажарилиши керак эди.

Ажратилган бу маблағлардан фақат 6 миллион сўмдан ошми-роғи ўзлаштирилди, холос. Ка-



Суратда: ҳўжалиқ бригадаси бошлиғи Умринисо Алижонов (чапда), ишчи Бах-рия Пирматов ва ўрмон ҳўжалиғи директори Абдукарим Абдужалиловлар нисҳоллар-ларни кўзда қечирмоқдалар. Сураткаш И. ПОРТНОВ.

НЕЪМАТЛАРИ МЎЛ БЎЛСИН

БУРЧМУЛЛА ўрмон ҳўжалиғи де-ганда кўз олдимизда осмонлар тоғларга адирлар. Қиш-ёзн яшил либосини тарқ этмайдиган арчазорлар, бағри кенг яйловлару бир чекмас уфққа ту-ташиб кетган боғлар, мезорлар намо-ён бўлади, албатта. Ҳа, табиат шу қа-дар гўзал, шифобахш. Унинг ҳузурбах-шчилигини таъриф-таъсифини ўрнига қў-йиш мушкул. Унинг бағрида бир нарс-таба бўлиш, ҳайвотот ва табиат дунё-сини томоша қилишининг ўзи сида ола-мла таассурот қолдиради.

Ҳўжалиқ бир ўз етимли қишлоқ жа-моасининг ҳар бири-шу табиат оғини, унга меҳр қўйган. Шунинг учун унлар-га минг гектар майдонин эгаллаган ҳў-жалиқда ўсимликлар, жониворларни парвариш қилинмоқда, унинг табиий бойлиқларини кўпайитириш йўлида ти-ним билмай ишлашмоқда. Уларнинг их-тиёрига топширилган фақат мева да-рахтларининг ўзи қанчалигини тўла та-саввур қилишининг учун айрим рақам-ларни келтирмоқчимиз.

Бу ерданги поёвизда кенгликларда сал-кам бир ўз йигирма минг туп ол-маси барқ уриб ётибди. Арча дархатлар-ининг сони ўн тўққиз мингдан кўпроқ, ёнғоқини айтаёвизми? Наҳд элик тўрт миңга катта-кичик шундай дархатлар бор. Бундан ташқари олча, бодом, хан-дон pista ва бошқа шу каби мевали дархатлар кўкариб турибди. Ўрмончилар шуларнинг ҳар бири ҳақида қайғурди-лар, парваришини ўрнига қўйдилар. Улар остидан ариқлар очиб, қор-ёғир-лар оқавасини улар томон оқизадилар.

Ўрмончиларнинг асосий вазифаларидан бири — етилган меваларни саралаб те-риб давлатга топширишдир. Бу соҳада бўш келишмапти. Биргина ўтган йили меҳнатлашлар оқилари дастурхонига 350 тонна экологик тоза турли-туман ноз-неъматларни етказиб бердилар.

Уларнинг яна бир хайрли ишларини ташкиллад ўтиш Уринли бўлса керак, деб ҳисоблаймиз. Шифобахш ўсимликларни йиғиштири, улар экиладиган майдон-ларни кенгайтиришмоқда. Шунинг учун ҳам йиғилаётган бундай табиий дори-дармонлар миқдори йил сайин кўпай-моқда. Ўтган йили дорилар ишлаб чи-

қарувчи корхоналар, дорихоналар ҳўжа-лик жамоаси тайёрлаган етимли тонна атрофидан турли-туман шифобахш қў-катларни олдилар. Улардан тайёрлан-ган дорилардан қанча-қанча беморлар шифо топдилар.

Ўрмончилар мевали ва манзарали да-рахт қўчатларини етказишни ҳам йўл-га қўйишди, Яхшигина даромад манбаи ҳисобланган бу иш йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда бундай қўча-лар етиштирилаётган майдон 30 гектар-дан ҳам ошмиқини ташкил этиб туриб-ди. Бу ердан ҳар йили 80—90 минг туп қўчат ноҳия-вилоятдаги ҳўжалиқларга етказиб беришмоқда, бу янги-янги ме-вазор боғлар барпо этилишига олиб ке-лмоқда. Жамоа ўтган ҳўжалиқ йилида бир миллион сўм даромад қилган эди. Бу йил эса бу маррадан анча ўзиб кетишни мўлжаллаб турибди. Олинган соф фойдани ҳам бирмунча кўпайитири-шга эришилди. Ўтган йили у 54 минг сўмга етган бўлса бу йил янада кўпроқ олишга аҳд қилинган.

— Ўтган йили утуқларимиз ёмон бўлмади, — дейди ўрмон ҳўжалиғи ди-ректору Абдукарим Абдужалилов, — бу ҳаммаси жамоамизнинг сидқидилдан қилган меҳнати натижасидир. Шу тўғрисида СССР Ўрмон ҳўжалиғи вази-рлиги ва тармоқ касаба уюмисми Марка-зий Қўмитасининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга муяссар бўлган эдик. Албатта, бу йил ҳам са-марали ишлашга қаранат қиламиз. 400 тонна мева, 75 тонна шифобахш қўча-лар етиштириш ниятимиз бор. Биз ал-батта, бу йил ҳам самарали ишлашга қаранат қиламиз. Биз албатта, уни уда-лаймиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳалар-да вақтдан ўзиб ишлашамиз.

Ҳа, ўрмоннинг шифобахш неъматла-ри кўпайверсин. Биз бутунни айбанд ўрмон ҳўжалиғи ходимларини таъри-лаб, хайрли ишларига муваффақият ти-лаймиз.

А. НАВИХУЖАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

А. ТОЖИЕВ.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят та-биати муҳофаза қилиш қўмитаси фан-тех-ника тарқатиш ва тарғибот бўлими хо-димлари ҳақида «Тошкент ҳақиқати» муҳ-бирлари тайёрлашди.

БУ ҚИЗИҚ ЭНГ КИЧИК КАРКИДОН

МАЛАЙЗИЯДАГИ Сара-вак штати ўрмонлар департа-менти ходимлари, суматра каркидонлари изини топдилар. Тўла қирилб кетган деб ҳис-облаб келинган бу жонивор ўз турдошларининг энг кичи-ги ҳисобланади. Бўйи бор-йў-ғи 1,3 метр бўлиб, вазин 650 килограммгача етади. Унинг

йўқ бўлиб кетиш даражасигача сабаб бўлгани шохдир. У бундай каркидон зотда икки-тадан бўлади. Бу шох жуфта қимматли ҳисобланиб, халқ та-бобатида кенг қўлланилганли-ги учун ҳам тақдирини янчили бўлган эди. Каркидон нзм то-пишган жой нисҳоятда маҳфиз сақланмоқда.

ХУРРАК ОТМАЙСЗ

«ЕСТИГИНИЗГА икки-уч тоғчи бу тўшуб йхиди экш-терт селасизу хуррак отши-дан кутулсансиз-қўсансиз, сиз ҳам,

